

## ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ ИЖТИМОЙ ФИКРЛАР АСОСИДА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Саидова Феруза Низамджановна

Андижанский Государственный Университет Кафедра общей психологии  
старший преподаватель

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7223350>

**Аннотация.** Ушбу мақолада қадриятларини тушуниш муаммоси илмий билимлар доирасида тадқиқ этилиши. Инсон жамиятда яшаи давомида бошқа инсонлар билан мулқат қилмасдан яшаб бўлмайди. Ҳаёт давомида ижтимоий қадриятлар ўзига фақат унинг қиймат соҳасини ташиқил этувчи муайян қадриятларни эгаллайди. Тадқиқотимизни хорижий ва маҳаллий олимларнинг қадриятлар ва мулоқот соҳасида олиб борган турли тадқиқотлари асосида чиқарган хулоса ва тавсияларига таянган ҳолда амалга оширдик. Биз томонимиздан тузилган муаллифлик ижтимоий-психологик сўровномалари орқали олинган натижалар таҳлидан, синалувчиларимизнинг кўпчилигида шахс қадриятлари – шахслараро идрок системасининг асосларидан бири бўлиши, самарали мулоқот ва муносабатларни яратишда қадриятларнинг аҳамияти юқори эканлигини маълум бўлди.

**Калит сўзлар:** қадрият, мулоқот соҳаси, муносабат, психологик қонуният, шахслараро идрок, инсоний қадрият, респондент.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ВЛИЯНИЯ ЦЕННОСТЕЙ НА МЕЖЛИЧНОСТНЫЕ ОТНОШЕНИЯ НА ОСНОВЕ СОЦИАЛЬНЫХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ

**Аннотация.** В данной статье проблема понимания ценностей исследуется в рамках научного знания. Человек не может жить в обществе, не взаимодействуя с другими людьми. В течение жизни общественные ценности приобретают лишь определенные значения, составляющие его ценностную сферу. Мы провели наше исследование на основе выводов и рекомендаций, сделанных зарубежными и отечественными учеными на основе различных исследований в области ценностей и коммуникации. По результатам, полученным с помощью составленных нами авторских социально-психологических опросников, стало известно, что у большинства наших испытуемых имеются личностные ценности - одна из основ системы межличностного восприятия, ценности имеют большое значение в создание эффективных коммуникаций и отношений.

**Ключевые слова:** ценность, сфера общения, установка, психологическая закономерность, межличностное восприятие, человеческая ценность, респондент.

## SOCIO-PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF THE INTERPRETATION OF THE IMPACT OF VALUES ON INTERPERSONAL RELATIONS ON THE BASIS OF SOCIAL REPRESENTATIONS

**Abstract.** In this article, the problem of understanding values is explored within the framework of scientific knowledge. A person cannot live in society without interacting with other people. In the course of life, social values acquire only certain meanings that make up its value sphere. We conducted our study based on the conclusions and recommendations made by foreign and domestic scientists based on various studies in the field of values and communication. Based on the results obtained with the help of our author's socio-psychological questionnaires, it

*became known that most of our subjects have personal values - one of the foundations of the system of interpersonal perception, values are of great importance in creating effective communications and relationships.*

**Key words:** *value, sphere of communication, attitude, psychological regularity, interpersonal perception, human value, respondent.*

## КИРИШ

Инсоннинг дунё билан муносабатларининг мазмуни ва даражаси жуда фарк қилади: ҳар бир шахс муносабатларга киради, лекин бутун гуруҳлар ҳам бир-бири билан муносабатларга киришади ва шунинг учун инсон кўп ва хилма-хил муносабатларнинг субъекти ҳисобланади”. Шахслараро муносабатлар ўз-ўзидан аниқ намоён бўлиш ва ишлашнинг моҳияти, мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва механизмларига эга.

Одамларнинг шахслараро муносабатларини рус олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган психологиядаги шахсий ва ижтимоий фаолият ёндашуви призмаси орқали кўриб чиқиш мумкин. У, биринчидан, ҳар доим куйидагиларни ҳисобга олишни назарда тутди: а) муайян шахсларнинг одамларнинг ижтимоий ҳаётидаги турли хил ҳодисалар ва жараёнларнинг бориши ва ривожланишига таъсири; б) унинг реакциялари, ҳулқ-атвори, муносабатларининг типиклиги ва барқарорлиги. Иккинчидан, бу шахсларнинг индивидуал психологик хусусиятлари ва потенциал имкониятларининг намоён бўлишини фақат улар иштирок этадиган ижтимоий ва меҳнат (касбий) фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига қараб ҳисобга олишни талаб қилади. Учинчидан, ушбу ёндашув бизни куйидагиларни ҳисобга олишга йўналтиради: а) одамлар фаолияти амалга ошириладиган ва унга сезиларли таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик фон ва ижтимоий-психологик шароитлар; б) уларнинг ўзаро таъсири, шахслараро муносабатлар ва мулоқотни оптималлаштиришга ва самарадорлигига ҳисса қўшадиган ёки ҳисса қўшмайдиган жараёнлар содир бўлаётган турли хил ижтимоий гуруҳлар ва жамоаларга мансублиги [1]. Шахслараро муносабатлар динамик хусусиятга эга бўлиб улар пайдо бўлади, ўзгаради ва ривожланади. Муносабатнинг қандай бўлиши, қандай ривожланиши индивиднинг ўзига боғлиқ бўлиб динамик хусусиятга эга, яъни ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида контактга киришади, ҳамда уни ўраб турган шароитга мослашади. А. И. Кравченконинг фикрига кўра[2], бу уч босқичда содир бўлади:

Қатъий айтганда, бу бирлаштирилган бир нечта ёндашувларнинг комбинацияси: шахсий, ижтимоий ва фаолиятли. Шахсий ва фаолиятли ёндашувлари мустақил равишда шаклланган ва анча илгари тушунтирилган ва маҳаллий психология фанининг методологик тамойилларида (шахсий ёндашув принципи, онг ва фаолиятнинг бирлиги принципи) амалга оширилган. Ижтимоий ёндашув нисбатан яқинда «расман» расмийлаштирилди, чунки ижтимоий психологиянинг методологик тамойиллари ҳам яқинда шакллантирилган (ижтимоий ва психологик мураккаблик принципи); ижтимоий-психологик сабаблар тамойили; ижтимоий-психологик ҳодисалар, муҳит ва фаолиятнинг бирлиги тамойили; ижтимоий-психологик изчиллик тамойили; ижтимоий-психологик ривожланиш тамойили; объективлик принципи).

Инсон мавжудлигининг қадриятларини тушуниш муаммоси илмий билимлар доирасида кенг тадбиқ этилиши билан фан ривожланишининг замонавий, аксиологик

босқичини белгилайди. Инсон ижтимоий мавжудот бўлганлиги сабабли унинг мулоқотга бўлган эҳтиёжи ажралмас хусусиятидир. Инсон жамиятда яшаш давомида мингалб кўзга кўринмаган “ишлар” билан унга боғланган бўлади.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Шахс бошқа одамлар билан мулоқот қилмасдан жамиятда яшай олмайди. Мулоқотнинг универсал табиати муносабатлар ҳодисасининг соддалиги тўғрисида нотўғри тушунчани келтириб чиқаради. Аммо биринчи қарашда оддий кўринадиган ҳамма нарса аслида шундай бўлиб чиқмайди.

Шахсий ривожланиш қийматга йўналтирилган характерга эга. Ижтимоий кадриятлар тизимидан инсон ўзига фақат унинг қиймат соҳасини ташкил этувчи муайян кадриятларни эгаллайди. Ҳиссий жиҳатдан тажрибали кадриятлар умуман хулқ-атвор ва фаолиятни белгилайдиган шахсий маъноларга айланади.

Сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатадиган кўплаб ўзгаришлар юз берди. Юқори ахлоқий салоҳиятга эга, ўз фаолияти билан стереотиплардан қочиб қутула оладиган, ҳақиқатни ўзгартира оладиган, ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган фаол, ижодий фикрлайдиган шахс шаклланди. Буларнинг барчаси ўқув жараёнига сифат жиҳатидан янги, шахсий ёндашувни талаб қиладиган педагогик вазиятга таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас[3]. Таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишнинг усулларида бири бу педагоглар ўртасида мулоқот кўникмаларини кадрият сифатида шакллантириш ҳисобланади. Шу боисдан, биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотнинг вазифаси ҳам асосан педагогик соҳа вакиллариининг мулоқот соҳасида юзага келувчи кадриятлар тизимини шахслараро муносабатлар динамикасига таъсири ўрганиш орқали бугунги кун таълим фидойиларининг самарали касбий фаолиятларини амалаг оширишга кўмаклашувчи зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шахслараро муносабатлар кўлами бўйича кенг фаолият олиб борувчи таълим соҳаси вакиллариининг кадриятлари муаммоси назарий ва амалий тадқиқотларда фалсафий, социологик ва психологик жиҳатдан кенг кўриб чиқилган.

Тадқиқотимизни хорижий ва маҳаллий олимларнинг кадриятлар ва мулоқот соҳасида олиб борган турли тадқиқотлари асосида чиқарган хулоса ва тавсияларига таянган ҳолда амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобалдик. Хусусан, М.Рокич кадриятларни маълум бир мақсад ёки мавжудлик усули бошқасидан афзалроқ эканлиги ҳақидаги доимий эътиқоднинг бир тури деб ҳисоблайди.

У кадриятлар тизимларга бўлинганлигини ҳақидаги ғояларни илгари суриб, инсоний кадриятларнинг келиб чиқишини маданият, жамият, унинг институтлари ва шахсда кузатиш мумкинлигини, кадриятларнинг таъсирини эса, деярли барча ижтимоий ҳодисаларда намоён бўлишини таъкидлаган [4]

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Асосий (базавий) инсоний кадриятларнинг универсаллиги назариясида Ш.Х.Шварц кадриятлар ўртасидаги фарқлар асосидаги энг муҳим мазмун жиҳати улар ифода этадиган мотивацион мақсадлар тури эканлигидан келиб чиқди. Шунинг учун у индивидуал кадриятларни мақсадларининг умумийлигига мувофиқ кадриятлар турларига ажратди. У барча маданиятларда учрайдиган, инсон мавжудлигининг умуминсоний эҳтиёжларини акс эттирувчи асосий инсоний кадриятларни ажратиб кўрсатди. Унинг

таъкидлашича, ҳар бир қадрият турига мувофиқ амалга оширилган ҳаракатлар психологик, ижтимоий ва амалий оқибатларга олиб келади [5]


Шахснинг қадрият йўналишларининг тузилишини белгиловчи омилларга ёш, жинс, характер турларининг ўзига хос тури, назорат локусини киритиш мумкин. Шахснинг қадрият йўналишлари тизимини ривожлантиришнинг психологик қонуниятлари кўриб чиқиш орқали шахснинг мулоқот жараёнига киришишини белгиловчи омилларнинг таҳлили ҳам тадқиқотимиз давомида, биз томонимиздан ўрганилиши керак бўлган жиҳатлар бири бўлиб қолади.

Натижалар таҳлиliga кўра тадқиқотимизда жами 435 нафар синалувчи иштирок этган бўлиб, уларнинг жинс бўйича фарқлари қуйидаги расмда ўз аксини топган.



**1.расм. Тадқиқот синалувчиларининг жинс тафовутлари.**

Юқоридаги расмдан тадқиқотимизда иштирок этган синалувчиларимизнинг 248 нафарини (57 %) эркаклар, 187 нафарини (43 %) аёллар ташкил қилганини кўришимиз мумкин.



**2.расм. Тадқиқот синалувчиларининг маълумот даражаси бўйича фарқлари.**  
**МУҲОКАМА**

Респондентларимизнинг маълумот даражаси бўйича фарқлари акс этган юқоридаги расмдан 56,8 % (247 та) синалувчимизнинг олий маълумот эгаси, 21,8 % (95 та) синалувчимиз тугалланмаган олий маълумотли, 21,4 % (93 та) синалувчимиз эса ўрта-маҳсус маълумот даражасига эга эканлигини билиб олишимиз мумкин.



### 3.расм. Тадқиқот синалувчиларининг меҳнат стажи бўйича фарқлари.

Респондентларимизнинг меҳнат стажи бўйича фарқлари акс этган юқоридаги расмдан 41 % (179 та) синалувчимизнинг 1-3 йиллик, 43 % (186 та) синалувчимизнинг 4-7 йиллик, 21,4 % (70 та) синалувчимизнинг эса 8-10 йиллик меҳнат тажрибаси борлиги маълум бўлди. Мазкур омиллар орқали биз синалувчиларимизнинг жинс, маълумот ва меҳнат стажи мулоқот даражаси, қадриятлар устуворлиги ва шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-психологик муҳитига таъсир этиши юзасидан олинган натижалар таҳлилини амалга оширамиз.

Тадқиқот мақсадимиздан келиб чиққан ҳолда респондентларнинг мулоқот ва шахслараро идрок жараёнининг профессионал меҳнат фаолиятини самарали равишда ташкил этишдаги аҳамияти ва ўзига хосликларини ўрганиш юзасидан муаллифлик ижтимоий-психологик сўровномасини тузган ҳолда, мазкур сўровномани респондентларимизга тақдим этиш баробарида уларнинг бизни қизиқтираётган мавзуга нисбатан фикрларини таҳлил этишга муваффақ бўлдик.

### ХУЛОСА

“Шахс қадриятларининг шахслараро муносабатларга ва бир-бирини идрок этишга таъсирини қандай баҳолайсиз?” мазмунидаги ижтимоий-психологик сўровномамиздан ўрин олган саволга респондентларимизнинг берган жавоблари қуйидаги кўриниш олди: 70% респондент-синалувчимиз “юқори”, 20% синалувчимиз “ўрта”, 10% синалувчимиз эса “паст/қуйи” жавобини беришди. Бундан деярли синалувчиларимизнинг кўпчилигида шахс қадриятлари – шахслараро идрок системасининг асосларидан бири бўлиши, самарали мулоқот ва муносабатларни яратишда қадриятларнинг аҳамияти юқори эканлигини маълум бўлди.

## REFERENCES

1. Андреева Г.М. Социальная психология: Социальная психология: Учебник для высших учебных заведений / Г. М. Андреева. — 5-е изд., испр. и доп. — М.: Аспект Пресс, 2010.
2. Абдурахманова З.Э. Психология фанидан атлас. Үслубий қўлланма. Т. Иқбол-Турон. 2021 й.
3. Бочарова Е.Е. Готовность к риску как личностный потенциал субъектной регуляции. Ученые записки. 2011. Т.4, Сер. Психология. Педагогика. № 2(14). С. 28-29
4. Выготский Л.С. Психология/ Л.С.Выготский. – М.: Изд-во ЭКСМО- Пресс, 2000. – 108 с
5. Крысько В.Г. Социальная психология. С-131-133.